

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Tar.72.07 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЖУНАЕВ ЗУХРИДДИН БОЛТАЕВИЧ**

**БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИЖТИМОЙ,  
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР  
(1920–1924 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро–2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Жунаев Зухриддин Болтаевич**

Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар (1920–1924 йй.) .....5-26

**Джунаев Зухриддин Болтаевич**

Социальные, экономические и культурные отношения в Бухарской Народной Советской Республике (1920–1924 гг.) .....27-50

**Junaev Zukhriddin Boltaevich**

Social, economic and cultural relations in the Bukhara People's Soviet Republic (1920–1924 years) .....51-54

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55-56

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Tar.72.07 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЖУНАЕВ ЗУХРИДДИН БОЛТАЕВИЧ**

**БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ,  
ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАР  
(1920–1924 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро–2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2020.4.PhD/Tar757 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.buxdu.uz>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ражабов Қаҳрамон Кенжаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хантов Шадмон Аҳмадович**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.Tar.72.07 рақамли илмий Кенгашнинг 2022 йил «8» 09 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Бухоро шаҳри, Мухаммад Иқбол кўчаси 11-уй, Бухоро давлат университети, Ахборот-ресурс маркази, 2-кават, мажлислар зали. Тел.: (99865) 221-29-14; факс: (99865) 221-27-07; e-mail: [busu\\_restor@edu.uz](mailto:busu_restor@edu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 411176 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 705018 Бухоро шаҳри, Мухаммад Иқбол кўчаси 11-уй, Бухоро давлат университети, Ахборот-ресурс маркази биноси). Тел.: 0(365) 221-29-14, факс: 652212707)

Диссертация автореферати 2022 йил «   »     кун тарқатилди.  
(2022 йил «   »     даги     -рақамли реестр баённомаси билан).



**С.И. Иноятов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**О.Р. Рашидов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

**Ш.А. Хантов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳон мамлакатларининг интеграция жараёнлари ва ўзаро ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кирмоқда. Хусусан, мустақилликка эришган Марказий Осиё давлатлари халқаро майдонда юқори нуфуз ва мавқега эга бўлиб бормоқдалар. Мазкур ҳолатда миллий давлатчиликнинг шаклланиши, жаҳон ҳамжамияти қаторига қўшилиши уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларига катта таъсир кўрсатмоқда. Халқаро ташкилотлар ўз дастурларида миллий давлатларнинг ташкил топишида уларда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга кўмак берган ҳолда мустақил тараққиёт йўлини белгилашда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Жаҳоннинг қатор йирик илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида XX аср биринчи чорагида Бухорода юз берган сиёсий ўзгаришлар, совет Россиясининг ҳарбий кучлари бўлган қизил армия томонидан Бухоро амирлигининг босиб олинishi, Ёш бухороликларнинг большевиклар ёрдамида ҳокимият тепасига келиши, қизил армияга қарши истиқлолчилик ҳаракати, 1920–1924 йилларда мавжуд бўлган Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР)нинг ички ва ташқи сиёсати, янги ва ёш республикада амалга оширилган демократик ислоҳотлар, бу ислоҳотларга қарши Марказ ва совет давлатининг мустамлакачилик сиёсати, большевикларнинг Бухорони советлаштириш ва руслаштириш йўлидаги ҳаракатлари ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, айниқса, охириги беш йилда амалга оширилган кенг кўламдаги ислоҳот ва ўзгаришлар жамиятнинг мустақил тараққиёт йўлини белгилашда замин яратди. Хусусан, ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихига бўлган муносабат тубдан ўзгариб, у давлат сиёсати даражасига кўтарилди. XX аср бошларида Туркистон минтақасида, жумладан, Бухоро амирлиги ва БХСРда юз берган муҳим сиёсий воқеалар, мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тарихини холис ва ҳаққоний ўрганиш ҳамда бундай тадқиқотларни амалга ошириш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда қабул қилган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони<sup>1</sup>, “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-611-сонли қонуни<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрда қабул қилган “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ф-5598-сонли Фармойиши<sup>3</sup> ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

<sup>1</sup> Янги Ўзбекистон, №22. 2022 йил 1 февраль.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/4766082>

<sup>3</sup> Халқ сўзи, №212. 2020 йил 9 октябр.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тарихи мавзуси ҳозирги пайтгача алоҳида яхлит тадқиқот объекти доирасида ўрганилган эмас. Бу муаммонинг фақат айрим қирралари бошқа масалалар билан умумий алоқадорликда кўриб чиқилган. Мазкур мавзуда ёзилган тарихий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларни методологик ёндашув ва илмий хусусиятга кўра учта асосий гуруҳ: биринчи гуруҳ – совет даврида яратилган тадқиқотлар, иккинчи гуруҳ – Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ёзилган асарлар ҳамда учинчи гуруҳ – хорижий тадқиқотларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга хос адабиётларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, уларда холислик тамойиллари бузилган, синфий ёндашув устунлик қилган, тарих коммунистик мафкуранинг аввалдан белгиланган ва қотиб қолган маълум бир қолипи асосида ёзилган ҳамда бирламчи манбалар ушбу ғаразли мақсадга хизмат қилдирилган. Бироқ мустабид совет режими давридаги тарихчилар ўз асарлари орқали жуда катта ҳажмдаги ашёвий материалларни илмий муомалага киритдиларки, бугунги замонавий тадқиқотларни яратишда бу материалларга танқидий кўз билан нигоҳ ташлаб, уларни қайта баҳолаш ва талқин қилиш муҳим аҳамият касб этади.

XX аср 20-йилларида яратилган Садриддин Айний, Файзулла Хўжаев, П.П.Введенский ва бошқаларнинг тадқиқотларида<sup>4</sup> Бухорода жадидчилик ҳаракати, Ёш бухороликлар фаолияти, амирлик тузумининг ағдариб ташланиши, БХСРдаги дастлабки ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Шарқий Бухорода пул муомаласи ўз аксини топган. Хусусан, бу даврда марказий ва маҳаллий журналларда эълон қилинган кўплаб мақолаларда<sup>5</sup> БХСРдаги ижтимоий ҳаёт ва ислохотларнинг айрим жиҳатлари (бозорлар, банклар аҳволи, молия сиёсати, савдо-сотик, давлат бюджети ва режаси) кўрсатиб ўтилди. Бу мақолаларнинг муаллифлари орасида Абдулқодир Мухитдинов, Файзулла Хўжаев, Абдурахим Юсуфзода, Қори Йўлдош Пўлатов, П.Гайсинский каби БХСР раҳбарлари бўлган.

<sup>4</sup> Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. –Москва: “СССР халқлари марказий нашриёти”, 1926; Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. –Ташкент: 1926; Ўша муаллиф: К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии. –Ташкент: «Ўзбекгосиздат», 1932; Введенский П.П. Денежное обращение в Таджикистане. 1923-1925 гг. –Ташкент: «Восткагосиздат», 1926.

<sup>5</sup> Шумов С. Бухарский рынок в феврале 1920 г. // «Народное хозяйство Туркестана», 1920, №7-8. –С.13-16; №9-10. –С.28-36; Полевой С. Бухарский рынок в июле 1920 г. // «Народное хозяйство Туркестана», 1920, №13. –С.12-16; Юсуф-Заде. Задачи и перспективы экономического строительства БНСР // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №1. –С.18-21; Гайдар. Финансово-экономическое состояние Бухареспублики // «Жизнь национальностей» (Москва), 1923, Кн.5, –С.106-109; Мухетдинов А. По Восточной Бухаре // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №2-3. –С.64-73; Гайсинский П. Экономическое строительство в Бухаре // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №1. –С.15-18. Кизен И. Торговый аппарат Бухарской Республики // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №2-3. –С.61-63; Хозяйственный план и бюджет Бухары на 1924-25 гг. // «Народное хозяйство Средней Азии», 1924, №2-3. –С.207-212; Морозов Б. Итоги обследования Бухары и Хорезма 1924 г. // Бюллетень ЦСУ Узбекистана. №7. июль 1925. –Самарканд, 1925. –С.17-34.

Маҳаллий тарихчи Муҳаммад Али Балжувонийнинг<sup>6</sup> 1923–1927 йилларда ёзилган “Тарихи нофеий” (“Фойдали тарих”) асарида XX аср бошларида Бухородаги сиёсий ҳаёт, 1918–1922 йилларда юз берган воқеалар ҳам ўз аксини топган.

XX аср 50–80 йилларида яратилган О.Эшонов, А.Аъзамхўжаев, Г.Тўхтаматов, М.Ваҳобов, А.Уралов, Б.Искандаров, А.Бобохўжаев, А.Гордиенко, С.Зиманов, Ҳ.Иноятв, И.Алимов, И.Зокиров ва бошқаларнинг тадқиқотларида<sup>7</sup> асосий эътибор Бухорода амирлик тузумининг ағдариб ташланиши, бу ерда ўрнатилган янги ҳокимиятнинг сиёсий фаолияти, миллий муҳолифатга қарши курашаётган қизил армиянинг ҳарбий ҳаракатларини кўрсатишга қаратилди.

Бу асарларнинг умумий томони яна шундан иборатки, уларнинг қарийб барчасида (Файзулла Хўжаев ва Садриддин Айний асарлари қисман мустасно) Бухородаги жадидчилик ҳаракати, Ёш бухороликлар партияси фаолияти ҳукмрон мафкура таъсирида бузиб талқин қилинди. Шунингдек, ушбу асарларда Бухородаги тараққийпарварлик ҳаракатининг етакчилари (улар кейинчалик БХСР раҳбарлари бўлишган)нинг икки тузум: амирлик ва республика тузумлари давридаги мураккаб фаолияти ўзининг холис баҳосини олмади. Файзулла Хўжаевдан ташқари деярли барча БХСР ҳукумати арбоблари (Абдулқодир Муҳитдинов, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Муинжон Аминов, Абдурауф Фитрат, Абдурахим Юсуфзода, Порсо Хўжаев, Мухторжон Саиджонов, Қори Йўлдош Пўлатов, Абдулвоҳид Бурҳонов, Мукамил Бурҳонов ва б.)нинг сиёсий фаолияти ўрганилмади, уларга “буржуа миллатчиси” тамғаси босилди.

Шундай қилиб, БХСР тарихи мавзусида совет даврида яратилган тадқиқотларнинг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, бу ишлар бугунги кун талабларига жавоб бера олмайди. Бунинг устига бу асарларда Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва БХСРнинг ташқи

---

<sup>6</sup> Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофеий (Фойдали тарих). Тоҷик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, З.Чориев. –Тошкент: “Академия”, 2001.

<sup>7</sup> Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920–1920 гг.). –Ташкент: «Изд. АН УзССР», 1955; Ўша муаллиф: Победа Народной Советской Революции в Бухаре. –Ташкент: «Изд. АН УзССР», 1957; Ўша муаллиф. Бухарская Народная Советская Республика. –Ташкент: «Узбекистан», 1969; Турсунов М.Т. Денежное обращение в Туркестанской АССР в период гражданской войны (1917–1921 гг.). –Ташкент, 1950; Бобохўжаев А.Х. Совет давлатини де-факто ва де-юре таниш даврида Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда инглиз антисовет сиёсатининг барбод бўлиши (1919–1924 йй.). –Тошкент: “ЎзССР ФА нашриёти”, 1959; Шек Л.К. Победа народной советской революции в Бухаре. –Ташкент: «Госиздат УзССР», 1956; Алиев А. Великий Октябрь и революционизирование народов Бухары. –Ташкент: «Госиздат УзССР», 1958; Гордиенко А.А. Создание народно-советского государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. –Ташкент: «Изд. СНГУ», 1959; Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати. –Тошкент: Ўзбекистон, 1960; Уралов А. Из истории развития народного образования в БНСР (1920–1924 гг.) // Общественные науки в Узбекистане, 1961. №3. –С.45-51; Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. Душанбе, 1970; Тухтаматов Т.Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX начале XX вв. –Ташкент: «Фан», 1966; Искандаров Б.И. Бухара (1918–1920 гг.). Душанбе: «Дониш», 1970; Агзамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР. –Ташкент: «Фан», 1971; Ўзбекистон ССР тарихи. 4 томлик. Т. III. (1917–1937 йй.). –Тошкент: «Фан», 1971; История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик –Москва: «Наука», 1971; История Бухары с древнейших времен до наших дней. –Ташкент: «Фан», 1976; Зиманов С. От освободительных идей к советской государственности в Бухаре и Хиве. –Алма-Ата: «Наука», 1976; Алимов И. Аграрные преобразования в Хорезме и Бухаре (1920–1924 гг.). –Ташкент: «Узбекистан», 1970; Ўша муаллиф. Исторический опыт аграрных преобразований в Хорезмской и Бухарской Народных Советских Республик. Автореферат дисс... докт. ист. наук. –Ташкент, 1981; Иноятв Х.Ш. Народы Средней Азии в борьбе против интервентов и внутренней контрреволюции. –Москва: «Мысль», 1984; Зокиров И.Б. Становление и развитие Советского гражданского права в БНСР и ХНСР. –Ташкент: «Фан», 1988.

алоқалари (хусусан, Германия ва Англия каби Ғарб мамлакатлари билан) хусусида амалда ҳеч нарса айтилмаган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, тарихий жараёнларни холис ва ҳаққоний ёритиш учун қулай шароит юзага келди. Мустабид совет тузумининг емирилиши, миллий маънавиятнинг тикланиши натижасида Ўзбекистон тарихининг ажралмас қисми бўлган Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ёритишда синфий ва партиявий ёндашувлар инкор қилиниб, муаммони фақат илмий асосда чуқур ўрганишга киришилди.

Мустақиллик йилларида мавзу доирасида Ўзбекистон тарихи фанида янги концептуал-методологик тамойилларга таянган кўплаб жиддий тадқиқотлар юзага келди. Бу даврда ёзилган коллектив монографиялар ва фундаментал тадқиқотларда<sup>8</sup>, шунингдек, турли солнома ва дарсликларда<sup>9</sup> БХСР тарихи янги методологик концепция ва ёндашув асосида ёритилди. XX аср 90-йиллари бошларида яратилган Ф.Қосимов, С.Иноятов, У.Рашидов, Д.Алимова ва бошқаларнинг монографияларида<sup>10</sup> мавзу тарихининг айрим жиҳатлари ва тарихшунослиги масалалари тадқиқ этилди. Бухородаги жадидчилик ҳаракати ва БХСР тарихининг турли томонлари ёритилган қатор диссертациялар<sup>11</sup> химоя қилинди.

Тарихчи олим Қ.Ражабов сўнгги 30 йил мобайнида Ёш бухороликлар фаолияти ва Бухорода амирлик тузумининг ағдарилиши, Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши, ҳукумат раиси ва нозирлар фаолияти,

<sup>8</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р.Я.Раджапова. –Ташкент: «Шарк», 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет муштамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. Жўраев. –Тошкент: “Шарк”, 2000; Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917–1939 йиллар. Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Рахимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019.

<sup>9</sup> *Ражабова Р.Ё. ва б.* Ўзбекистон тарихи (1917–1993 йиллар). –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1994; *Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С.* Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. –Тошкент: “O‘zbekiston”, 2015; *Rajabov Q., Zamonov A.* O‘zbekiston tarixi (1917–1991 yillar). 1-nashri. –Toshkent: “G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi”, 2017.

<sup>10</sup> *Касымов Ф.* Драма революции и правда истории. –Бухара, 1996; Ўша муаллиф: Бухоро республикаси тарихшунослиги. –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 1996; Иноятов С., Алауов А. Бухарский дом просвещения в Москве. –Навои, 1996; *Рашидов У.* Бухоро Халқ Республикаси (1920–1924 йй.). –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2003.

<sup>11</sup> *Мухамеджанова Л.П.* Общественно-политическая ситуация в Бухаре в начале XX века и развитие демократического движения (1908–1920 гг.). Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. –Ташкент, 1999; *Астанова Г.О.* Историография политических процессов в Бухаре в 1920–1924 гг. Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. –Ташкент, 2008; *Рахмонов К.Ж.* “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталари – Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фанлари номзоди диссертация автореферати. –Тошкент, 2009; *Мўминов Д.Н.* Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода кизил армияга қарши қуролли ҳаракат (1920–1926 йй.). Тарих фанлари номзоди диссертация автореферати. –Тошкент, 2010; *Пардаев А.А.* Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920–1924 йй.). Тарих фанлари номзоди диссертация автореферати. –Тошкент, 2012; *Жамолова Д.М.* Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. –Тошкент, 2019; *Темиров Ф.* Садриддин Айнийни Бухородаги жадидчилик ҳаракатида туган ўрни ва ижтимоий фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. –Тошкент, 2020; *Амонова Ф.* Бухоро амирлиги иқтисодиётида саноат корхоналарининг туган ўрни (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. –Тошкент, 2021; *Болтаев А.* XX асрнинг 20-80 йилларида Бухорода тарихий ўлкашуносликнинг шаклланиши ва ривожланиши. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. –Тошкент, 2021; *Нуридинов Т.* Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташки алоқалари (1920–1924 йй.). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. –Фарғона, 2021; *Ҳайитов У.* Файзулла Хўжаевнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва унинг Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларда туган ўрни. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. –Бухоро, 2022.

Бухорода кизил армияга қарши олиб борилган қуролли ҳаракат, БХСР раҳбарларига нисбатан совет режимининг қатағон сиёсати тўғрисида кўплаб китоблар ва тарихий тадқиқотлар яратди<sup>12</sup>. У “Файзулла Хўжаев”, “Усмон Хўжа” ва “Ҳамро Полвон” тарихий рисолаларини 2011 йилда чоп эттирди. “Бухоро тарихи” монографиясида БХСР раҳбарлари фаолиятини ҳам ёритди.

Муаммонинг айрим жиҳатларини сўнги йилларда С.Иноятов, И.Алимов, Ш.Ҳайитов, Л.Мухамеджонова, К.Раҳмонов, А.Пардаев, Д.Жамолова, Ф.Амонова, О.Рашидов ўзларининг монографияларида ёритган<sup>13</sup>. Бухорода 2018 ва 2021 йилларда ўтказилган конференцияларда<sup>14</sup> БХСР раҳбари Файзулла Хўжаев фаолияти атрофлича тадқиқ этилди.

Бухоро Халқ Республикаси ташкил қилинганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан 2020 йил 2 сентябрда АҚШ, Туркия, Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихчи олимлари иштирокида ўтказилган онлайн халқаро симпозиумда қилинган маърузалар Истанбул ва Тошкентда турк ва ўзбек тилларида алоҳида китоб ҳолатида нашр қилинди<sup>15</sup>.

<sup>12</sup> *Ражабов Қ.К.* Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар (1917–1935 йй.). –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2000; Ўша муаллиф: Бухорога кизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 йй.). –Тошкент: “Маънавият”, 2002; Ўша муаллиф: Файзулла Хўжаев. –Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011; Ўша муаллиф. БХСР собиқ раҳбарларининг 1937 йилда қатағон қилиниши // Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари (Илмий мақолалар тўплами). –Тошкент, 2012. –Б.64-75; Ўша муаллиф. Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918–1924 йй.). –Тошкент: “Yangi nashr”, 2015; *Ражабов Қ., Ҳайитов Ш.* Усмон Хўжа. –Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011; *Ражабов Қ., Ражабов Д.* Ҳамро Полвон. –Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011; *Ражабов Қ., Иноятов С.* Бухоро тарихи. –Тошкент: “Tafakkur”, 2016; *Ражабов Қ., Бекмуратов Х.* Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тарихидан. –Тошкент: “Tafakkur”, 2017; *Ражабов Қ.* Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. –Тошкент: “Bodomzor invest”, 2021.

<sup>13</sup> *Ҳайитов Ш., Раҳмонов К.* Бухоро Халқ Республикаси ва Германия: ҳамкорликнинг тарихий лавҳалари (1920–1924 йй.). –Тошкент: “Фан”, 2004; Ўша муаллифлар: Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Шарқ мамлакатлари (1920–1924 йй.). –Бухоро, 2004; Ҳайитов Ш., Бадриддинов С., Раҳмонов К. Бухоро Халқ Совет Республикаси: иқтисодиёт, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт (1920–1924 йй.). – Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005; *Ҳайитов Ш.* Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917–1991 йй.). –Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2008; Ўша муаллиф: Бухоро Халқ Совет Республикасининг тарих-наво тарихи (O‘zbekiston Milliy Arxivi materiallari asosida) // *Sohibqiron yulduzi*, 2021. №3. –В.71-75; Ўша муаллиф: БХСР аҳолисининг сони ҳусусида (1920–1924 йй.) // *Analytical Journal of Education and Development*. Volume: 02. ISSUE: 01/2022, ISSN: 2181-2624. –В.339-341; Ҳайитов Ш., Мажидов Ж. Бухоро Халқ Совет Республикасида куруқлик ва ҳаво транспорти: ечим в амуаммолар // *SCIENTIFIC PROGRESS*. Volume: 2. ISSUE: 2/2021, ISSN: 2181-1601. <https://www.scientificprogress.uz>. –Р.506-510; *Алимов И.* Ўзбекистонда вақф мулкларининг тугатилиши (1917–1929 йй.). –Тошкент: “Фан”, 2009; *Раҳмонов К.* Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920–1924 йиллар). –Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2012; *Амонова Ф.* Бухоро амирлиги иқтисодиётига тарихий назар (XIX аср охири – XX аср бошлари). –Тошкент: “Yangi nashr”, 2013; *Пардаев А.* Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920–1924 йй.). –Тошкент: “Yangi nashr”, 2015; *Давлатова Ш.* Ўзбекистонда бошқарув структурасининг шаклланиши ва тараққиётида миллий масаланинг тугатган ўрни (XX асрнинг 20-йиллари). –Тошкент: “Navro‘z”, 2016; Мухамеджанова Л. Бухорода жадидчилик ҳаракати тарихидан. –Бухоро: “Дурдона”, 2019; Ҳайитов Ш., Раҳмонов К., Ахмадов О. Бухоро ва бухорийларнинг жаҳоний шухрати. –Тошкент: “Наврўз”, 2020; Жамолова Д.М. Бухоро амирлигида жадидлар ва қадимчилар фаолияти (XIX аср охири – XX аср бошлари). –Тошкент: “Muharrir”, 2021; Рашидов О. Ўзбекистонда совет бошқаруви структурасидаги маҳаллийлаштириш сиёсати (1917–1933 йй.). –Тошкент: “Наврўз”, 2020; Ўша муаллиф. Файзулла Хўжаев миллий манфаатлар ва сиёсий курашлар майдонида. –Тошкент: “Muharrir”, 2021; Иноятов С. Бухорои шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аجدодлари ва авлодлари шажараси [Матн]. –Бухоро: “Durdon”, 2022. –Б.180.

<sup>14</sup> Файзулла Хўжаев – инсон, сиёсат арбоби ва миллат фидойиси. Республика илмий-назарий конференция (халқаро микёсдаги олимлар иштирокида) материаллари тўплами (2018 йил 12 май). –Бухоро, 2018; Файзулла Хўжаев – мутафаккир, маърифатпарвар ва ислохотчи. Республика илмий-назарий анжумани материаллари (2021 йил 21 декабрь). –Бухоро, 2021.

<sup>15</sup> Buxoro Cumhuriyeti 101 Yasinda.Buxoro Jumhuriyati 101 Yoshda. Xalqaro Simpozium maqolalari (02.09.2020). – Istanbul: “Kutlu Yauʻnevi”; Tashkent: “Mumtoz”, 2021.

СССР тарқалгач, кўшни давлатлар Тожикистон<sup>16</sup> ва Россия Федерациясида<sup>17</sup> чоп этилган айрим тадқиқотларда БХСР тарихининг баъзи жиҳатлари ва ревкомлар фаолияти ўрганилди. Бу тадқиқотлар ичида, хусусан, В.Генис асарлари алоҳида ажралиб туради. У Россия тарихчилари орасида биринчи бўлиб, Бухорода амирлик тузумининг ағдарилиши ва БХСР фаолиятини (Хива хонлигининг ағдарилиши ва ХХСРнинг фаолиятини ҳам) бирламчи манбалар асосида ёритишга интилди. В.Генис тадқиқотларидаги бой эмпирик материал ҳам диққатга сазовордир.

Туркия, Германия ва АҚШда Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Адиб Холид, Темур Хўжаўғли томонидан чоп этилган хорижий тадқиқотларда<sup>18</sup> Бухоро амирлиги ҳокимиятига қарши курашган Ёш бухоролик жадидлар фаолияти, Бухоро Халқ Совет Республикасининг тузилиши ҳамда миллий арбобларнинг совет режими томонидан қатағон қилиниши кўрсатилган. Мазкур тарихий тадқиқотларда асосан Бухорога қизил армиянинг ҳужуми натижасида амирлик тузумининг ағдарилиши, БХСРнинг тузилиши ҳамда ундаги сиёсий ва ҳарбий ўзгаришлар хусусида сўз боради. Аммо, Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тарихи жиддий тадқиқ этилмаган. Муаммонинг бу жиҳатлари мазкур мавзунинг алоҳида тадқиқот объекти сифатида танлаб олиншига имкон яратди.

БХСР тарихининг айрим жиҳатларини муҳожирликдаги туркистонликлар ва хорижий тадқиқотчилар ўз асарларида тадқиқ этишган. БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси биринчи раиси Усмон Хўжанинг<sup>19</sup> кўплаб асарларида ХХ аср бошларида Бухородаги сиёсий ва ижтимоий муаммолар таҳлил қилиниб, муҳим далиллар келтирилади. Бундан ташқари Германияда яшаган ватандошимиз Боймирза Ҳайит (1917–2006) асарларида ҳам мазкур мавзу қисман ёритилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Навоий давлат педагогика институти ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИФА-2012-1-4-сонли “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917–1991 йиллар). 2-жилд” (2012–2013 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларни кўрсатиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

<sup>16</sup> Гафаров Н. История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате. –Худжанд, 2000; Хотамов Н. Свержение эмирского режима в Бухаре. –Душанбе, 1997; Гафуров А. Ревкомы Таджикистана (1917–1924 гг.). –Душанбе, 2008.

<sup>17</sup> Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // «Вопросы истории», 1993, №7. –С.39-53. Он же. «С Бухарой надо кончать...» К истории бутафорских революций. – Москва: МНПИ, 2001; Он же: Вице-консул Введенский. Служба в Персии и Бухарском ханстве. (1906–1920 гг.). Российская дипломатия в судьбах. – Москва, 2003; Персиц М.А. Застенчивая интервенция. О советском вторжении в Иран и Бухару в 1920–1921 гг. 2-е изд. – Москва: 1999.

<sup>18</sup> A. Zeki Velidi Togan. Bugunku Turkili (Turkistan) va Yakin tarihi. –Istanbul, 1942–1947; Baymirza Hayit. Turkistan Devletlerinin Milli Mucadeleleri Tarihi. –Ankara, 1995; Baymirza Hayit. Turkistan devletleri tarihi. –Ankara, 1995; Ўша муаллиф: “Basmacilar”. Turkistan Milli Mucadele Tarihi (1917–1934). –Ankara, 1997. Adeeb Khalid. Making Uzbekistan. Nation, Empire, and Revolution in the Early USSR. Cornell university press. –Ithaca and London, 2015.

<sup>19</sup> Қаранг: Turkistanda Yenilik Hareketleri ve Ihtilaller: 1900–1924.Osman Noca Anisina incelemeler. Hazirlayan: Temur Kocaoglu: –Haarlem, 2001.

Бухорода амирлик ҳокимиятининг ағдарилиши ва БХСРнинг ташкил топишини кўрсатиш;

БХСРдаги сиёсий жараёнлар ва ижтимоий муносабатларни тадқиқ этиш;

Бухорода пул ислоҳоти ва нарх-наводаги ўзгаришлар ҳамда банк тизими ҳолатини таҳлил қилиш;

Қишлоқ хўжалиги ва саноатда иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилишини ёритиш;

БХСРнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва савдо-сотик муносабатларини очиб бериш;

Бухородаги сиёсий ва жамот ташкилотларининг фаолиятини тадқиқ қилиш;

БХСРдаги маданият муассасалари аҳволи ҳамда маорифнинг ҳолатини архив манбалари асосида ёритиш кўзда тутилган.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1920–1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасида юз берган ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларни кўрсатиш белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мазкур даврда БХСР сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилган демократик ислоҳотлар, мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошқарувида юз берган муҳим тарихий жараёнлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида ишда тарихий тамойил, тизимли ёндашув, мантиқийлик, хронологик, фанлараро ёндашув ва қиёсий таҳлил ҳамда муаммога цивилизация ёндашув усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Россиянинг Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилганининг дастлабки кунларидан янги ҳукуматнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий фаолиятига доимий равишда аралашуви кескин сиёсий вазиятнинг келиб чиқиши ҳамда Республика ҳудудида қизил армия ва большевикларга қарши қаратилган қуролли муҳолифат ҳаракатининг бошланиши ва ривожланиб боришига сабаб бўлгани кўрсатиб берилган;

Бухоро Республикаси раҳбарияти томонидан маориф соҳасида мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, билим юртлари ва олий ўқув юртларининг ташкил этилиши узлуксиз таълим тизимининг шаклланишига ҳамда жамиятнинг барча соҳалари учун зарур бўлган миллий кадрларни тайёрлашга хизмат қилгани очиб берилган;

БХСРда пахта, ипак, қорақўлтери каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг саноат корхоналарида қайта ишланиб, ярим тайёр маҳсулот ҳолатида доимий равишда Россия, Германия, Англия, Япония бозорларида сотилишининг йўлга қўйилиши мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашга ҳамда аҳолидан олинган солиқларнинг икки ярим барабар қисқаришига олиб келгани статистик маълумотлар асосида исботланган;

1920-1923 йилларда БХСР ҳукуматининг моддий ва маънавий кўмагида Германия, Туркия, Озарбайжон ва бошқа хорижий давлатларга ўқишга юборилган, большевиклар тазйиқи остида ўз Ватанига қайтарилган истеъдодли йигит ва қизларнинг қишлоқ хўжалиги, саноат, банк, тиббиёт ва маданий соҳада

миллий кадрлар захирасини тўлдирганлиги ва бу соҳалар ривожига сезиларли таъсир кўрсатгани аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тўғрисидаги фикрлардан Ўзбекистоннинг XX аср 20-йиллари тарихини ёритишда фойдаланиш мумкин;

БХСРдаги сиёсий жараёнлар ва ижтимоий муносабатлар, иқтисодий ҳаётнинг турли жиҳатлари (пул муомаласи ва ислоҳоти, нарх-наво ва савдо-сотикдаги ўзгаришлар, банклар фаолияти, молия тизими; қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги иқтисодий ислоҳотлар ва б.) ҳамда маданий ҳаёт масалалари тўғрисидаги кўплаб архив ҳужжатлари ва тарихий манбалар илк марта илмий муомалага тортилди;

Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитиш учун муҳим амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда тарих фанида тан олинган илмий ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, илмий адабиётлар ва тарихий манбалардан фойдаланилгани, хусусан, архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари ҳамда турли эсдалик ва хотираларнинг илмий муомалага киритилганлиги, шунингдек, тадқиқотдаги хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти БХСРдаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар ҳамда миллий арбоблар фаолиятини тарихийлик ва холислик асосида ёритилиши бу соҳадаги илмий билимларни чуқурлаштириш ҳамда мазкур муаммога оид назарий хулосаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан бугунги кунда Ўзбекистоннинг совет ҳокимияти йилларидаги тарихи бўйича илмий изланишлар олиб боришда, мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари учун турли дарслик ҳамда ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар (1920–1924 йй.)” мавзусини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Россиянинг Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил этилганининг дастлабки кунларидан янги ҳукуматнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий фаолиятига доимий равишда аралашуви кескин сиёсий вазиятнинг келиб чиқиши ҳамда Республика ҳудудида қизил армия ва большевикларга қарши қаратилган қуролли муҳолифат ҳаракатининг вужудга келишига сабаб бўлгани ҳамда Бухоро Республикаси раҳбарияти томонидан маориф соҳасида мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, билим юртлари ва олий ўқув юртларининг ташкил этилиши узлуксиз таълим тизимининг шаклланишига ҳамда жамиятнинг барча соҳалари учун зарур бўлган миллий кадрларни тайёрлашга хизмат қилгани тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида 2012–2013 йилларда бажарилган ИФА-2012-1-4-сонли “Ўзбекистоннинг совет давридаги тарихи (1917–1991 йиллар). 2-жилд” лойиҳаси

доирасида тайёрланган “Ўзбекистон тарихи 1917–1991 йиллар)” номли академик нашрда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 4 ноябрдаги 3/1255-3032-сон маълумотномаси). Натижалар ёш авлодни Ватанимиз тарихини чуқур ва холис ўрганиш ҳамда халқимизни юртга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган;

БХСРда пахта, ипак, қорақўл тери каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг саноат корхоналарида қайта ишланиб, ярим тайёр маҳсулот ҳолатида доимий равишда Россия, Германия, Англия, Япония бозорларида сотилишининг йўлга қўйилиши мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашга ҳамда аҳолидан олинган солиқларнинг икки ярим барабар қисқаришига олиб келгани ҳамда 1920-1923 йилларда БХСР ҳукуматининг моддий ва маънавий кўмагида Германия, Туркия, Озарбайжон ва бошқа хорижий давлатларга ўқишга юборилган, большевиклар тазйиқи остида ўз Ватанига қайтарилган истеъдодли йигит ва қизларнинг қишлоқ хўжалиги, саноат, банк, тиббиёт ва маданий соҳада миллий кадрлар захирасини тўлдирганлиги ва бу соҳалар ривожига сезиларли таъсир кўрсатгани тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (“O‘zbekiston” телерадиоканали давлат муассасасининг 2022 йил 17 мартдаги 06-31-611-сон маълумотномаси). Натижалар БХСРда жамоат ташкилотлари ҳамда маданий ўзгаришлар тўғрисида объектив маълумотлар беришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро конференция ҳамда 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 та мақола республика журналларида ва 2 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 150 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблигига асосланиб мавзунинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бухоро Халқ Совет Республикасининг ташкил топиши ва янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши”** деб номланган

биринчи боби Бухорода амирлик ҳокимиятининг ағдарилиши ва БХСРнинг тузилиши, янги давлатдаги ижтимоий муносабатлар масалаларига бағишланган.

1917 йил февраль ва октябрда Россия ва Туркистонда рўй берган тарихий воқеалар Бухоро амирлигининг кейинги тақдирига жиддий таъсир кўрсатди. Россиядаги инқилобий воқеалар таъсирида Бухородаги жаидчилик ҳаракати, яъни Ёш бухороликлар партияси сафларида ажралиш рўй берди. Улар орасидан бир гуруҳ инқилобий руҳдаги ёшлар ажралиб чиқиб, ўз атрофига савдогарлар ва миллий зиёлиларнинг қатъиятли вакиллари тўплади, амир зулмига қарши кураш кураш йўлини танладилар. Бу гуруҳни Ёш бухороликлар партиясининг етакчиси Файзулла Хўжаев бошқарди.

1920 йил баҳорида Москвага келган Турккомиссия (Туркистон комиссияси) аъзолари Ш.Элиава ва Я.Э.Рудзутак РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Чичеринга “Турккомиссия эртагаёқ Бухоро амирлигининг мустақиллигини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради”, деган баёнотни ўз ичига олган протоколни топширди. 1920 йил 22 майда РКП(б) МК Сиёсий бюроси Турккомиссия аъзоларининг Бухорога ҳужум қилиш тўғрисидаги фикрини маъқуллади<sup>20</sup>.

Туркистон fronti (Туркфронт; 1919 йил августда совет Россияси томонидан ташкил қилинган) қўшинлари бош қўмондони М.В.Фрунзе (1885–1925) 1920 йил 31 июлда Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни тезлаштиришни сўраб совет Россияси ҳукумати бошлиғи В.И.Ленинга телеграмма жўнатган. РСФСР Қурулли кучлари Олий бош қўмондони С.С.Каменев бу телеграммага: “Қулай фурсатда бошлашга рухсат берилди”, деб қисқа, лекин қатъий ва мурасимсиз жавоб берган. Ўша йили 12 августда М.В.Фрунзе амирликни тугатиш мақсадида Самарқанд–Бухоро фронтини (4 та зарбдор гуруҳдан иборат) тузиш ҳақида буйруқ берган<sup>21</sup>.

1920 йил 25 августда қўмондон М.В.Фрунзе Туркистон fronti қўшинларига “қўзғолон кўтарган Бухоро меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида” буйруқ берди. 29 августдан бошлаб Эски Бухоро шаҳри ҳам ҳаводан, ҳам ердан қаттиқ бомбардимон қилинган. Бухоронинг Қарши дарвозасигача келган темир йўлда турган бронепоезд ҳамда Самарқанд, Шайх Жалол, Намозгоҳ дарвозалари яқинида жойлаштирилган тўплардан 1–2 сентябрь кунлари шаҳарга 12 000 снаряд ташланган. Бухоро шаҳри устига 11 та аэроплан эса 3 кун тинимсиз бомба ёғдирган. Бухоро босқини даврида қизил аскарлар томонидан бир неча млн. дона патрон сарфланган. Айрим манбаларда келтирилишича, шаҳар хатто кимёвий снарядлардан ўққа тугилган<sup>22</sup>. Бухоронинг Қарши ва Самарқанд дарвозалари тагига 800 кгдан ортиқ порох кўмилиб портлатилган. Қарийб минг йиллик тарихга эга Минораи Калонга жиддий шикаст етказилган. Бу воқеаларнинг бевосита шоҳиди қуйидагиларни ёзган эди: “Шаҳар маркази ер билан яксон

<sup>20</sup> Ражабов Қ., Никитенко Г. Шаҳрисабз воҳаси XX асрда. // Шаҳрисабз минг йиллар мероси. –Тошкент: “Шарқ”, 2002. –Б.58-59.

<sup>21</sup> Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 йй.). –Тошкент: “Маънавият”, 2002. –Б.18.

<sup>22</sup> Генис В. «С Бухарой надо кончать...». К истории бутафорских революций. –Москва: МНПИ, 2001. –С.38.

қилинди. Жанг давомида юзлаб замбараклар ва самолётлар ишга солинди... Регистон ёндирилди”<sup>23</sup>.

Бухоро шаҳри босиб олингач, қизил армия томонидан амирлик таркибидаги 27 вилоят (беклик) ва 11 туман ҳам бирин-кетин эгалланди. Шундай қилиб, Бухоро амирлиги тугатилди. Унинг ҳудудида дастлаб Бухоро Республикаси, сўнгра Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил қилинади.

1920 йил сентябр ойи бошларида Бухоро Муваққат Инқилобий Қўмитаси (Ревком) амирлик тузуми ағдариб ташланганлиги ва мустақил Бухоро Халқ Республикаси тузилганлигини эълон қилди. 14 сентябрда бўлган Халқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий Қўмита ва Бухоро Коммунистик партияси МКнинг умумий йиғилишида Абдулқодир Муҳитдинов (1892–1934) раислигида 9 кишидан иборат Бутунбухоро Инқилобий Қўмитаси (Марказий Ревком) ва Файзулла Хўжаев раислигида 10 кишидан иборат ҳукумат – Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси шаклланди. Бухородаги дастлабки демократик ҳукумат таркибига Файзулла Хўжаев (раис ва ташқи ишлар нозири), Қори Йўлдош Пўлатов (маориф нозири), Мухторжон Саиджонов (ички ишлар нозири), Усмон Хўжа (молия нозири), Нажиб Хўсаинов (иқтисод нозири; баъзи манбаларда давлат назорати нозири), Юсуф Иброҳимов (фавкулудда комиссия – ЧК раиси), Мукамил Бурҳонов (адлия нозири), Баҳовуддин Шихабуддинов (ҳарбий ишлар нозири), кейинчалик Абдурахим Юсуфзода (зироат-деҳқончилик нозири), Мирзо Муҳитдин Мансуров (савдо ва саноат нозири), Мирзо Исом Муҳитдинов (озиқ-овқат нозири) қилиб киритилди<sup>24</sup>.

1920 йил 6–8 октябрда амирнинг ёзги саройи – Ситораи Моҳи Хосада чақирилган Бутун Бухоро халқ вакилларининг I қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Бу янги давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик республикаси эди. Унинг зиммасига қисқа муддат ичида ўрта асрчилик анъаналаридан мерос қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш тушди. Қурултойда давлат ҳокимиятининг олий органи – Бутунбухоро Инқилобий Қўмитаси ва дастлабки ҳукумат таркиби – Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби узил-кесил тасдиқланди<sup>25</sup>.

1920 йил кузига келганда Бухоро иқтисодиёти таназулга учраган ва халқнинг турмуш даражаси анча пастга тушиб кетган эди. Қизил армия томонидан Бухоронинг босиб олиниши, босқинчиларга қарши олиб борилаётган миллий озодлик кураши иқтисодий инқирозни яна ҳам чуқурлаштирди. Деҳқон хўжаликларининг хонавайрон бўлиши натижасида 1918 йилга нисбатан олганда 1920 йил охирида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш 30 фоиз, 1922 йил бошларида 40 фоиз, чорвачилик соҳаси эса мос равишда 40 фоиз ва 53 фоизга тушиб кетди. 1922 йилга келганда экин майдонлари деярли 2 баравар, қоракўл тери тайёрлаш 20 баравар, пахта етиштириш эса 26 баравар қисқарди. Ана шу

<sup>23</sup> Генис В. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // «Вопросы истории» (Москва), 1993, №7. –С.49-50.

<sup>24</sup> Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: “Фан”, 1997. –Б.173.

<sup>25</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 7-варак.

даврда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 50 фоиз, савдо-сотик айланмаси эса 75 фоизга тушиб кетди<sup>26</sup>.

БХСРнинг даврий матбуот органлари бўлган “Бухоро ахбори” ва “Озод Бухоро” газеталарида қишлоқ хўжалигининг аҳволи, уни ривожлантириш йўлидаги чора-тадбирлар билан боғлиқ ўнлаб мақола ва хабарлар учрайди<sup>27</sup>. 1921 йил баҳоригача фақат Бухоро, Чоржўй ва Кармана вилоятларида собиқ амир ва унинг амалдорларига қарашли 13 000 таноб ер ҳисобга олинган ва мусодара этилган. Бу ерларнинг асосий қисми ерсиз ва кам ерли камбағалларга тақсимлаб берилган.

1921 йил 18–23 сентябрда бўлган Бутунбухоро халқ вакилларининг II курултойида демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Бухоро тарихидаги дастлабки Конституция фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакилларининг иштироки таъминланди. Хусусий мулк ва савдо-сотик эркинликлари Конституцияда ўз ифодасини топди. Бухорода ўрнатилган тузум халқ демократик республикаси эди. БХСРнинг Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Конституцияга кўра, БХСРнинг олий органи Бутунбухоро халқ вакиллари курултойи бўлиб, у ҳар 2 000 сайловчига бир вакил сайланадиган 350 аъзодан иборат эди. Курултой йилига бир марта чақирилар ва унда республика конституциясини қабул қилиш, ўзгартиришлар киритиш, ҳукуматнинг ҳисоботи ва давлат бюджетини тасдиқлаш каби муҳим масалалар кўрилар эди. Конституцияга кўра, курултойлар орасида қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи олий орган – Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси ҳисобланади. Курултойда Бутунбухоро МИҚ раиси қилиб Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) сайланди (1922 йил августда бўлган III курултойда бу лавозимни Порсо Хўжаев эгаллади)<sup>28</sup>. Конституцияга мувофиқ, Халқ Нозирлар Шўроси давлат ҳокимиятини ижро қилувчи ва бошқарувчи олий орган сифатидаги ўз вазифасини сақлаб қолди.

Усмон Хўжа (1878–1968) Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, таниқли давлат ва жамоат арбоби ҳисобланади. У 1908–1913 йилларда Истанбулда таҳсил олган. Усмон Хўжа ва унинг укаси *Отаулла Хўжаев* (1880–1937) Ёш бухороликлар партиясининг йирик намояндаларидан эди. Усмон Хўжа БХСР тузилгач, турли лавозимларда ишлади. БХСР давлати бошлиғи сифатида қисқа муддат фаолият кўрсатган бўлса ҳам ёш республикада демократик ислохотлар амалга оширилишида жонбозлик кўрсатди<sup>29</sup>. У 1921 йил декабрда Шарқий Бухорода (Душанбе атрофида) кўрбошилар сафига ўтади ҳамда 1922 йил бошларида Афғонистонга жўнаб, БХСР миллий армияси учун замонавий қуруллар сотиб олишга ҳаракат қилган.

<sup>26</sup> Бухара в государственном хозяйственном плане 1923–1924 гг. –Старая Бухара, 1923. –С. 15-16.

<sup>27</sup> Қаранг: *Раҳмонов К.* Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи матбуот саҳифаларида (1920–1924 йй.). – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2012. –Б. 54-55.

<sup>28</sup> *Ражабов Қ., Ҳайитов Ш.* Усмон Хўжа. –Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011. –Б. 14-17.

<sup>29</sup> Иноятов С. Бухорои шариф хўжалари: Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев аждодлари ва авлодлари шажараси [Матн]. –Бухоро: “Durdona”, 2022. –Б.88-98.

Бухородаги демократик жараёнларга мамлакат ташқарисидан тазйиқ тобора кучайиб борди. 1923 йил 3 июнда Бухорога СССР Қурулли кучларининг Олий бош қўмондони С.С.Каменев, Туркистон fronti Инқилобий ҳарбий кенгаши раиси А.И.Корк, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси аъзоси Михайлов ва бошқалар келишди. Улар Бухоро ҳукумати фаолиятдан қониқмаётганликларини очиқ айтиб, социалистик ўзгаришларни жадаллаштириш кераклигини таъкидлашди. Орадан кўп ўтмай – 12 июнда РКП(б) МК Сиёсий бюроси махсус қарор қабул қилиб, Бухоро ҳукуматини советлаштириш чора-тадбирларини белгилаб берди<sup>30</sup>. Файзулла Хўжаевнинг энг яқин сафдошлари бўлган собиқ Ёш бухоролик жадиждларнинг деярли ҳаммасига турли асосиз айблар қўйилиб, улар Бухоро ҳукумати таркибидан чиқариб ташланди<sup>31</sup>.

БХСР ҳукуматида Туркистондан юборилган эмиссарларнинг таъсири кучайиб борди. Инқилобий экстремистик унсурлар бу билан чекланиб қолмасдан, 1923 йил 14 августда бўлган Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси фавкуллда сессиясида БХСР Конституциясига ҳам ўзгартириш киритишга муваффақ бўлдилар<sup>32</sup>.

Бутунбухоро халқ вакилларининг IV қурултойи (1923 йил 11–17 октябрь) Конституцияни ўзгартириш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Унга биноан барча савдогар, мулкдор ва собиқ амалдорлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Аммо ишчи ва қосибларнинг сайлов ҳуқуқи кенгайтирилди. Шунингдек, қурултойда жамиятда ижтимоий беқарорликни кучайтирадиган “Совет курилиши тўғрисида” махсус қарор қабул қилинди. Жамият тобора сиёсийлашиб борди<sup>33</sup>.

1924 йил 18–20 сентябрда бўлиб ўтган Бутунбухоро халқ вакилларининг V қурултойида БХСРни Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди. БССРнинг тузилиши юқорида туриб сунъий тарзда амалга оширилган ҳодиса эди. Натижада тараққиётнинг демократик йўли инкор қилиниб, социалистик йўналиш танланди. Марказдаги большевик раҳбарларининг Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларини социалистик республикага айлантиришдан кўзда тутган асосий мақсадлари маҳаллий халқларни тезроқ советлаштириш ва руслаштириш, уларнинг онгига коммунизм мафқурасини сингдириш эди. Шарқда “социализмнинг порлоқ ғалабаси”ни таъминлаш учун бу жуда зарур бўлган.

Диссертациянинг “**Бухоро Халқ Совет Республикасидаги иқтисодий ҳаёт (1920–1924 йй.)**” деб номланган иккинчи бобида Бухорода пул ислоҳоти ва нарх-наводаги ўзгаришлар ҳамда банк тизими, қишлоқ хўжалиги ва саноатда иқтисодий ислоҳотларнинг ўтказилиши, БХСРнинг ташқи иқтисодий алоқалари каби масалалар тадқиқ қилинган.

Бухорода амирлик тузуми ағдариб ташлангач, нарх-наволарда ҳам ўзгариш бўлган. Бухоро пул тизимида ҳам катта ўзгаришлар юз берган. 1920 йил 5 сентябрда Туркистон fronti қўмондони М.В. Фрунзе ва Марказдан келган

<sup>30</sup> Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. –Б.120.

<sup>31</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 425-йиғма жилд, 309-варақ.

<sup>32</sup> Конституция (Основной закон) Бухарской Народной Советской Республики // Съезды Советов в документах. 1917–1936. Сборник документов в 3 томах. –Т. II. –Москва: Госиздат юридической литературы, 1960. –С.590.

<sup>33</sup> Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати (1920–1924 йй.). –Б.134.

бошқа Россия вакилларининг талаби билан Бухоро Халқ Совет Республикасида янги пул белгиларини жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилинган<sup>34</sup>. Бироқ ўша куни БХСР Халқ Нозирлар Шўросининг раиси Файзулла Хўжаев ва Марказий Ревком раиси Абдулҳамид Орипов имзолаган 2-декретда Бухоро ҳудудида амалда бўлган эски пул белгилари то янги пул чиқарилгунга қадар муомалада юриши, шу билан бирга, РСФСР пул бирликлари янги республика ҳудудида амал қилиши айтилган<sup>35</sup>.

БХСРнинг дастлабки миллий валютаси кумушдан ишланган танга (нуқра танга) бўлиб, у 1920 йил сентябр ўрталаридан бошлаб муомалага чиқарилган. Орадан кўп ўтмай қоғоз пуллар қўлда тайёрланган 50, 100, 200, 500 ва бошқалар (улар “сўм” деб аталган) босилган. Кейинроқ пул чиқариш учун янги қолип ясалган. Бироқ Бухорода кейинчалик ҳам тилла ва кумуш тангалар муомалада бўлган. БХСРнинг қоғоз пуллари бошқа бир янги давлат – Хоразм Халқ Совет Республикаси валютасига нисбатан анча барқарор эди. Пулнинг тўлов қурби, яъни харид қобилияти юқори бўлишига ҳукумат бошлиғи Файзулла Хўжаев алоҳида эътибор қаратган<sup>36</sup>.

1923 йил март ойида Тошкентда Ўрта Осиё Республикалари (Туркистон АССР, БХСР, ХХСР) нинг биринчи иқтисодий конференцияси бўлиб ўтди. Айнан шу конференцияда бу республикаларда маҳаллий пулларни чиқаришни тўхтатиш ва РСФСР давлат пул белгиларига ўтишга қарор қилинган<sup>37</sup>. Хуллас, Марказнинг тазйиқи билан 1923 йил ёзида Бухородаги миллий валюта Россия рублига (3,5 Бухоро сўмига 1 Россия рублига тенг нисбатда) алмаштирилди.

1920 йил кузида Бухоро шахрида Марказий халқ банки иш бошлаган. Унинг ихтиёрига БХСР ҳукумати томонидан тегишли маблағ ажратилган. Тез орада Марказий халқ банкининг БХСР вилоятлари ва шаҳарларида шўьбалари ташкил қилинган. Масалан, 1921 йил 1 январдан бошлаб Қарши вилояти шўьбаси ўз фаолиятини бошлаган. 1921 йил ёзида Термиз ва Карки шаҳарларида ҳам Молия нозирлиги томонидан Марказий халқ банкининг шўьбалари очилади<sup>38</sup>.

1920 йил 30 сентябрда Бутунбухоро Марказий Инқилобий Кўмитаси раиси Абдулқодир Муҳитдинов томонидан имзоланган “Ер тўғрисида”ги қонунда собиқ амир, унинг қариндош-уруғлари ва беклар қўлидаги барча мол-мулклар ва ер умумхалқ мулки деб эълон қилинди. Қонунга кўра, аҳоли хирож, муштбар, амлок ва бошқа солиқлардан озод этилди. Қонун матни орадан 2 ой ўтгач – 1920 йил 21 ноябрда “Бухоро ахбори” газетасида эълон қилинди. Мазкур қонун аграр соҳадаги дастлабки ҳужжат бўлиб, унда БХСР иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари кўрсатилган эди<sup>39</sup>.

<sup>34</sup> Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. –С.342.

<sup>35</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 122-йиғма жилд, 7-варақ.

<sup>36</sup> Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли // Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. –Тошкент: “Шарқ”, 2001. –Б. 196-197.

<sup>37</sup> Первая Экономическая конференция Средно-Азиатских Республик – Туркестана, Бухары и Хорезма. 5–9 марта 1923 г. Стенографический отчет. –Ташкент: Туркгосиздат, 1923. –С.9.

<sup>38</sup> “Бухоро ахбори”, №43, 1921 йил 7 июл.

<sup>39</sup> Қаранг: “Бухоро ахбори”, № 8. 1920 йил 21 ноябрь; Ўзбекистон миллий архиви, 46-фонд, 1-рўйхат, 122-йиғма жилд, 9-варақ, 9-варақнинг орқа томони; История Бухарской Народной Советской Республики. – С.285.

БХСРда ер-сув ислохотини амалга оширишда зироат (деҳқончилик) нозирлиги катта роль ўйнади. Нозирлик ташкил қилинган, уни дастлаб Абдурахим Юсуфзода 1920 йил куздан 1921 йил январига қадар бошқарди. У БХСРнинг Афғонистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси қилиб тайинланганидан сўнг, аввал Порсо Хўжа (Порсохўжа Ҳасанхўжаев), 1922–1923 йилларда эса Сафо Жўрабоев зироат нозирлиги вазифасида ишлади. Ҳалим Ашуров зироат нозирлигининг муовини бўлиб турди<sup>40</sup>.

БХСРда иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бера бошлаган, аҳоли зиммасидаги солиқ миқдори тобора камайтириб борилган. Ҳатто айрим табақалар солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинган. Масалан, 1923 йил охирида ушр солиғи 2 860 000 олтин сўмдан 1 900 000 олтин сўмгача қисқартирилди, 40 тагача майда моли (қўй, эчки ва ҳоказо) ва 8 та йирик уй ҳайвони (сигир, хўкиз ва ҳоказо) бўлган хўжаликлар, яқка ҳунармандлар ва майда савдогарлар солиқ тўлашдан бутунлай озод қилинди. БХСР ҳукумати томонидан қўрилган ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, жон бошига ҳисобланганда, солиқ миқдори 1923 йилдаги 3,5 олтин сўм ўрнига 1924 йилда 1,5 олтин сўмни ташкил этган<sup>41</sup>.

Бутунбухоро МИҚ ва Халқ Нозирлар Шўросининг қарори билан 1923 йилдан бошлаб, БХСР шаҳарларида яшовчи 18–50 ёшли эркеклар ва 18–40 ёшли аёллар учун ягона фуқаролик солиғи жорий қилинган. Бироқ, бу солиқдан айрим тоифалар (қизил аскарлар, командирлар, талабалар, меҳнат қобилятини йўқотган шахслар, ёш болали ва кўп болали аёллар ҳамда ишсизлар) озод қилинган<sup>42</sup>. Хуллас, БХСРда бир йил ичида солиқ миқдори қарийб 2,5 баравар камайган.

1923 йилда БХСР Савдо-саноат назорати тасарруфи остидаги йирик корхоналарга Эски Бухорода чарм-тери, ғишт заводлари, ичак-чавоқ комбинати, механика устахонаси ва тегирмон, электростанция, Когонда вино, пахта тозалаш ва чигит ёғи заводлари, Кармана, Зиёвуддин, Зирабулоқ, Чоржўй, Карки, Термиз, Ғиждувон ва Қорақўлда пахта тозалаш ҳамда чигит ёғи заводлари, Чоржўйда солод комбинати<sup>43</sup> кабилар кирган. Уларнинг аксарияти тўла қувват билан маҳсулот ишлаб чиқараётган эди<sup>44</sup>.

1924 йил охирига келиб, БХСРда давлат секторига қарашли 32 йирик саноат корхонасининг 26 таси ишлаб турган ва улар дастлабки фойдани ола бошладилар. Давлат корхоналарининг даромадлари (“Қизил Шарқ” тўқув-йигирув фабрикасидан ташқари) 1923 йилдаги 500 000 сўмдан 1924 йили 13 млн. сўмга ортди.

Бундан ташқари “Қизил Шарқ” фабрикаси давлатга 105 млн. сўм фойда келтирди. Гарчи сушт бўлса-да, айнан шу пайтдан эътиборан маҳаллий миллат вакилларида саноат ишчи кадрлари тайёрлаш жараёни бошланди<sup>45</sup>.

<sup>40</sup> “Бухоро ахбори”, № 20. 1921 йил 18 январь; №100. 1922 йил 21 сентябрь.

<sup>41</sup> Ишанов А.И. Бухарская Народная Советская Республика. –С. 335.

<sup>42</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 50-фонд, 1-рўйхат, 14-йиғма жилд, 31-варақ, 31-варақнинг орка томони.

<sup>43</sup> Солод – ундириб янчилган буғдой, арпа ва бошқа хил донлар бўтқаси.

<sup>44</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 50 фонд, 1-рўйхат, 5-йиғма жилд, 177-варақ.

<sup>45</sup> История Бухары с древнейших времен до наших дней. –Т: «Фан», 1976. –С.217.

Бухоро Республикасидаги иқтисодий ислохотларни амалга оширишда 1923 йил 23 октябрда ташкил қилинган БХСР Давлат режа комиссияси (Бухгосплан) муҳим роль ўйнаган. Бухоро Давлат режа комиссияси БХСРнинг 1923–1924 ва 1924–1925 хўжалик йилларидаги<sup>46</sup> давлат бюджетини ишлаб чиққан ва уни амалга ошириш учун тегишли чора-тадбирларни белгилаган. Шунингдек, БХСР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши ҳам иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ишларни амалга оширган<sup>47</sup>.

Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил қилинган, дастлабки кунлардан бошлаб қўшни давлатлар: РСФСР, ХХСР, Афғонистон, Озарбайжон ва бошқалар билан иқтисодий алоқалар ўрнатган ҳамда улар билан ташқи савдо муносабатларини олиб борган. Бу пайтда Туркистон АССР, совет Россияси, яъни РСФСР таркибида бўлганлиги учун Туркистон АССР билан олиб борилган ҳар қандай иқтисодий алоқалар ва савдо-сотиқ аслида совет Россияси билан олиб борилган десак мантқан тўғри бўлади.

1921 йил 4 мартда Москвада РСФСР билан БХСР ўртасида Иттифоқ шартномаси тузилди. 1922 йил 9 августда Москвада тузилган РСФСР билан БХСР ўртасидаги Иқтисодий битим<sup>48</sup>, 1923 йил 31 майда имзоланган Божхона битими<sup>49</sup> каби янги шартномалар эса Бухоро Халқ Совет Республикасини иқтисодий жиҳатдан Россияга қарам қилишни мўлжаллаган эди. РСФСР Ташқи ишлар халқ комиссарининг ўринбосари Л.М.Карахан ва БХСР Савдо ва саноат нозири Абдулқодир Муҳитдинов томонидан имзоланган Иқтисодий битим 8 моддадан иборат бўлиб, унинг 4-моддаси асосида 1922 йил 10 августда қўшимча битим<sup>50</sup> ҳам тузилган. Қўшимча битим 10 моддадан иборат бўлган.

БХСРнинг Москвадан ташқари Тошкент, Хива, Самарқанд, Ашхобод, Тифлис, Красноводск, Боку шаҳарларида консулхоналари бўлган<sup>51</sup>. Истанбул, Анқара, Берлин, Қобулда ҳам элчихона ва консулхоналар очишга ҳаракат қилинган.

Бухоро ва Афғонистон ўзининг миллий саноатини эндигина оёққа қўяётган, замонавий иқтисодиёт асослари яратилаётган бир даврда асосан хом ашё билан савдо-сотиқ қилинган. Лекин истиқболда БХСР ҳукумати Бухоро-Афғонистон савдо муносабатларини кенгайтириш, кооперативлар иттифоқини ташкил қилиш, хорижий савдо шўъбасини очиш, божхона тизимини такомиллаштириш ниятида бўлган.

1922 йил июнда Бухоронинг Афғонистондаги янги элчиси қилиб Ҳошим Шойиқ тайинланди. У бундан аввал БХСР Ташқи ишлар нозири лавозимида ишлаган. Ўша йилнинг охирида Ҳошим Шойиқ БХСР ҳукумати мамлакат худудидан қизил армия чиқариб юборилишига рози эканлиги ҳақидаги махфий битимни Афғонистон билан имзолайди. Бу битим ошкор бўлган, халқаро

<sup>46</sup> 1923–24 хўжалик йили 1923 йил 1 сентябрдан то 1924 йил 31 августгача бўлган.

<sup>47</sup> Бухоро вилояти давлат архиви, 36-фонд, 1-рўйхат, 19-йиғма жилд, 1-, 3-варақлар.

<sup>48</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 217-йиғма жилд, 2-, 4-варақлар; История Бухарской Народной Советской Республики. –С.215-217.

<sup>49</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 219-йиғма жилд, 27-28-варақлар; История Бухарской Народной Советской Республики. –С.229-231.

<sup>50</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 47-фонд, 1-рўйхат, 217-йиғма жилд, 5-, 7-варақлар.

<sup>51</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 1616-фонд, 1-рўйхат, 28-йиғма жилд, 25-варақ.

миқёсида катта шов-шувга сабаб бўлди. Россиянинг тазйиқи билан 1923 йил 18 июнда Қобулдаги Бухоро элчихонаси тугатилиб, эндиликда Бухоронинг Афғонистондаги манфаатларини СССР вакили “ҳимоя” қиладиган бўлди.

Файзулла Хўжаев Эрон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон каби Шарқ давлатларидан ташқари Ғарб мамлакатлари Англия, Япония, хусусан, Германия билан дипломатик алоқалар ўрнатишга катта куч-ғайрат сарфлади. Бухоро билан Германия ўртасида маданий ва иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, савдо-сотик авж олдирилган. Файзулла Хўжаев 1922 йил октябр–ноябр ойларида Германияда бўлиб, турли банклар ва компаниялар билан шартномалар тузган. У немис тилини жуда пухта билган.

Файзулла Хўжаев Германия ваколатхонасини Бухорода очиш орқали ёш республиканинг сиёсий мустақиллигини таъминлаш баробарида иқтисодий ҳамкорлик муносабатларига кенг йўл очилишини назарда тутган. Чунки у Германия иқтисодий имкониятларини сарҳисоб қилиб чиққан эди. Бўлмаса Ф.Хўжаев 1922 йилнинг ноябрида Берлинда туриб Бухорога ёзган мактубида қуйидаги фикрларни айтмас эди: “Оврўпа бозорларидан қувилиб, мустамлакалардан маҳрум қолгон олмон сармоясидан фойдаланиб... муштарак саноат ва тижорат ширкатлари ташкил этмоқ, шубҳа йўқ, зарар қилмасди”<sup>52</sup>.

БХСР билан Германия ўртасидаги савдо-сотик муносабатларида шифобахш доривор ўсимлик – ширинмия савдоси муҳим ўрин тутди. Чоржўй вилоятида ширинмия пресслайдиган махсус завод ташкил қилиниб, “Ширинмия ширкати” тузилган. Заводда қисқа вақт ичида 200 000 пуд миқдорида ширинмия уруғи ва илдизлари тўпланган<sup>53</sup>. 1923 йилнинг охирида 10 000 пудлик ширинмия ва 60 вагон миқдорида пахта тойлари Батуми ва Астрахань портлари орқали Германияга жўнатишган<sup>54</sup>.

**“БХСРда жамоат ташкилотлари фаолияти ҳамда маданий ўзгаришлар (1920–1924 йй.)”** деб номланган учинчи бобда Бухородаги сиёсий ва жамоат ташкилотларининг фаолияти, БХСРдаги маданият муассасалари аҳволи ҳамда маорифнинг ҳолати таҳлил қилинган.

Бухорода XX аср бошларида асосий сиёсий куч маҳаллий тараққийпарварларнинг Ёш бухороликлар партияси бўлган. Бу ҳолат тарихий тадқиқотлар ва замонавий адабиётларда тўғри таъкидланган. Ёш бухоролик жадидлар Бухорода амирлик ҳокимиятига қарши мурасасиз кураш олиб бордилар. Бухородаги жадидчилик ҳаракати ҳамда Ёш бухороликлар партиясига турли даврларда кўплаб шахслар раҳбарлик қилдилар. Фитрат, Усмон Хўжа, Абдулвоҳид Бурҳонов, Садриддин Айний, Муҳиддин Мансуров, Абдулқодир Муҳитдинов сингари Ёш бухороликларнинг сиёсий етакчилари қаторида машҳур давлат арбоби Файзулла Хўжаевнинг ўзига хос ўрни бор.

1917–1920 йилларда Бухоро сиёсий майдонида бошқа бир куч – сўл эсерлар ҳамда Бухоро Коммунистик партияси ҳам пайдо бўлган эди.

Бухорода амирлик ҳокимияти ағдариб ташлангандан кейин, яъни 1920 йил 11 сентябрда Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Ёш бухороликлар партияси

<sup>52</sup> Файзулла Хўжаев. Берлин мактублари // “Бухоро ахбори”, №111, 1922 йил 19 ноябрь.

<sup>53</sup> Ширинмия ширкати // “Бухоро ахбори”, №205, 1923 йил 23 сентябрь.

<sup>54</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 43-йиғма жилд, 50-варақ.

аъзолари миқдор жиҳатидан коммунистларга нисбатан кўпчилик бўлса ҳам Бухоро Коммунистик партияси сафига қўшилдилар. Ёш бухороликлар партияси расман тугатилди. Уларнинг сиёсий лидери Ф.Хўжаев Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзоси қилиб сайланди<sup>55</sup>.

1921 йил 23–27 февралда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Бухоро Компартиясининг I (V) съездида кескин ғоявий кураш ва тўқнашувлар қизиқ кетди. Бухоро ҳукумати, хусусан, Бухоро Компартияси ичида бу даврда “ўнгла” (Бутунбухоро Марказий Ревкоми раиси Абдулқодир Муҳитдинов, унинг отаси Мирзо Муҳиддин Мансуров, акаси Мирзо Исом Муҳитдинов ва б.), “сўллар” (Нажиб Ҳусаинов, Олимжон Акчурин, Мирза Ғулом, Ҳасан Алиев ва б.) ҳамда “марказчилар” (БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев, халқ нозирлари Мухторжон Саиджонов, Муинжон Аминов, Абдурашид Мукомиллов, Усмон Хўжа, Отаулла Хўжаев ва б.) ўртасидаги ички кураш, Марказнинг Бухородаги сиёсий кучларга ўтказаетган босими, сиёсий ҳокимият учун кураш авж олиб кетди<sup>56</sup>. Хусусан, “сўл” коммунистлар Бухорони яна қонли уруш гирдобига тортиш, бутун-бутун табақаларни жисмоний маҳв этишга чақирдилар.

Мазкур съездда “сўл” коммунистлар ва “ўнгла” каттиқ мағлубиятга учрашди. Бухоро Компартияси Марказий Комитети таркибига қайта сайловлар натижасида Файзулла Хўжаев, Абдулҳамид Орипов, Мухторжон Саиджонов, Ҳожи Ҳасан Ибрагимов, Қосим Қориев, Муинжон Аминов, Саъдулла Турсунхўжаев (масъул секретарь), Мирбобо Мирмуҳсинов, Анна Гелди Аманов, Абдурашид Мукомиллов, Отауллахўжа Пўлатхўжаев ва бошқалар аъзо қилиб, Муҳитдин Махсумхўжаев, Усмон Хўжа Пўлатхўжаев, Мирзағулом Абдурахмонов, Нажиб Қурбонов, Қулмухамедов кандидат қилиб сайландилар. Бухоро Компартияси Ревизия комиссиясига Шайх Ҳасан Алиев, Шамсутдин Қиличзода, Содик Муҳаммадиев ва бошқалар аъзо қилиб киритилди<sup>57</sup>.

Бу пайтда БХСРда Бухоро Компартиясидан кейин турадиган энг оммабоп жамоат ташкилотларидан бири Бухоро коммунистик ёшлар иттифоқи (комсомол) ҳисобланган.

1921 йил 12 майда Бухоро коммунистик ёшлар иттифоқининг I съезди бўлиб, унда комсомолга ташкилий жиҳатдан асос солинди. Унда Бухоро комсомолининг Устави ва Программаси қабул қилинди<sup>58</sup>. Бу ҳужжатлар Россия коммунистик ёшлар иттифоқининг худди шундай ҳужжатлари асосида тайёрланган эди. Марказнинг комсомол ёшларни ягона ташкилотга уюштиришдан мақсади совет давлати ва большевиклар сиёсати аҳоли ўртасида барқарор туришини таъминлаш, ёшлар онгига коммунистик ғоя ва мафқурани сингдиришдан иборат бўлган.

Бухорода бу пайтда касаба ташкилотлари (профсоюз)нинг фаолияти ҳам ташкил қилиниб, у аста-секин жонланган. Касаба уюшмаларига БХСР касаба уюшмаларининг Марказий совети бошчилик қилган. Уюшмага асосан хунарманд

<sup>55</sup> Қаранг: “Известия” (Москва), 24 мая 1966 г.; “Правда Востока” (Ташкент), 25 мая 1966 г.

<sup>56</sup> Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч томлик. Том I. – Б. 508-509.

<sup>57</sup> Турсунов Х., Макашов А. Образование и деятельность Бухарской коммунистической партии. – С.115.

<sup>58</sup> “Известия” (Ташкент), 21 мая 1921 г.

ва касиблар аъзо бўлган. Деҳқонлардан 10 000 киши уюшмага кирган бўлса, ҳунармандлар миқдори 22 000 кишидан иборат бўлган<sup>59</sup>.

БХСР ҳукумати маданият ва маориф соҳаларини ҳам ислоҳ қилишга катта эътибор қаратди. Бу борада БХСР ҳукумати таркибида ташкил қилинган Маориф халқ нозирлиги катта роль ўйнади. БХСР маориф нозирлари сифатида 1920 – 1924 йилларда Бухородаги жадиличлик ҳаракати ва Ёш бухороликларнинг етакчилари бўлган Қори Йўлдош Пўлатов (1890–1965), Абдулвоҳид Бурҳонов (1875–1934), Фитрат (1886–1938), Мусажон Саиджонов (1893–1937) фаолият кўрсатишди. Хусусан, Фитрат БХСРда маорифни ривожлантиришда катта хизмат қилди<sup>60</sup>.

Бухоро вилояти маориф шўъбаси томонидан 1921 йилнинг январидан Эски Бухорода 5 та мактаб, бутун вилоят бўйича 15 та мактаб, битта хотин-қизлар мактаби, битта ҳунар мактаби мавжудлиги хабар қилинади. 1922 йилда шу каби мактабларни 80 тагача етказиш режаси қайд қилинган. Айни шу даврда 5 жойда кечки курслар ҳам фаолият олиб бориб, улардан биттасида форс, турк, рус, немис тилларида таълим берилиб, 120 киши таълим олган экан<sup>61</sup>.

1921–1922 ўқув йилидан бошлаб Бухоро шаҳрида биринчи дорулмуаллимин очилган. Дорулмуаллиминда ўқиш муддати 2 йиллик бўлиб, ахзори – сиртки бўлим ҳам мавжуд эди.

БХСР ташкил топган дастлабки йилларданок маданият муассасаларидан театр, кутубхона, кироатхона, музей, клуб, чойхона, болалар боғчаси ташкил этиш билан боғлиқ амалий вазифалар бажарилган. 1921 йилда республиканинг маркази Эски Бухорода ва Карки шаҳрида театр биноси қурилди. 1922 йилдан бошлаб Қорақўл, Шеробод, Кармана, Чоржўй, Шаҳрисабз, Янги Бухорода ҳам театр томошалари ташкил этилган<sup>62</sup>. Гарчи малакали мутахассис ва артистлар етарли бўлмаса-да, ҳаваскор труппалар томонидан “Қизил кўшин” (Шерободда), “Қозикалон” (Қорақўлда), “Жувонбоз кўрбоши” (Карманада) каби пьесалар намойиш этилди<sup>63</sup>. Албатта, бу пьесаларда синфий кураш ғояси ва коммунистик мафкура устунлик қилган.

БХСР ҳукумати томонидан 1923 йил 1 майда Москвада Бухоро Маориф уйи ташкил қилинади. Ўша йилнинг ўзида Бухородан 290 нафар ёшлар, улар орасида 35 нафар қизлар ҳам бўлган, Москвага жўнатилади. Улар Москвада йирик савдогар ва фабрикант миллионер Рябушинскийнинг саройида ташкил қилинган Бухоро Маориф уйида яшаб таълим олишади<sup>64</sup>. Бухоро ёшларининг бир қисми Москва, Иваново-Вознесенск ва бошқа шаҳарлардаги завод ва фабрикаларда ишлаб, турли ҳунарларни ўрганишади. Хусусан, бухоролик қизлар тўқимачилик фабрикаларида ишлаб, ҳам таълим олишган, ҳам турли касбларни ўзлаштирганлар.

Шундай қилиб, 1920–1924 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикасида маориф соҳаси ва маданиятда катта ўзгаришлар содир бўлди. БХСР раҳбарлари

<sup>59</sup> Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 25-йиғма жилд, 17-варақ.

<sup>60</sup> Қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йй.). Иккита китоб. Биринчи китоб. 1917-1939 йиллар. –Б.160-161.

<sup>61</sup> Ҳасан М. Вилоят маориф шўъбасининг ҳозиргача ишлаган ишлари // “Бухоро ахбори”, 1921 йил 1 февраль.

<sup>62</sup> “Бухоро ахбори”, 1921 йил 13 январь; “Озод Бухоро”, 1923 йил 17 ноябрь.

<sup>63</sup> “Бухоро ахбори”, 1921 йил 4 май.

<sup>64</sup> Иноятов С.И., Алауов А.А. Бухарский дом просвещения в Москве. –Навои, 1996. –С.20.

мамлакатда замонавий таълим асосларини ишлаб чиқиб, бугунги илм-фан ва таълим соҳасидаги пойдеворни яратдилар. Улар бухоролик ёшларни ривожланган хорижий давлатларга, аввало Германияга таълим олиш ва хунар ўрганиш учун жўнатдилар. Бухорода кўплаб ўқув юртлари ташкил қилинди, дастлабки дорилфунун очиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

## ХУЛОСА

Диссертацияда Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тарихи янги маълумотлар асосида ўрганилиб, қуйидаги **хулосаларга** келинди:

1. Бухорода амирлик тузумининг ағдарилиши ҳамда Ёш бухоролик тараққийпарварларнинг ҳокимият тепасига келишининг ўзига яраша жиддий сабаблари ва тарихий омиллари мавжуд. XX аср бошларида Бухоро амирлиги иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ, бунинг устига сиёсий жиҳатдан Россия империясига қарам мамлакат эди. Бундай шароитда халқ манфаатини кўзлайдиган, мустақил давлат курмоқчи бўлган бухоролик жадидлар ўз ички имкониятлари билан амирнинг мутлақ ҳокимиятига қарши курашда ожизлик қилиб ташқи кучлар, яъни совет давлати ҳамда большевиклардан ҳарбий ва сиёсий ёрдам сўрашга мажбур бўлдилар. Совет Россиясининг ҳарбий кучлари бўлган қизил армия томонидан 1920 йил сентябрда пойтахт Бухоро босиб олиниб, амирлик ҳокимияти куч билан ағдариб ташланди. 1920 йил октябрда бўлган Бутунбухоро халқ вакилларининг биринчи қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил қилинди. Файзулла Хўжаев бошчилигида тузилган БХСР ҳукумати ёш ва янги республикада демократик ислохотларни жорий қилиш ҳамда халқнинг турмуш даражасини кўтариш учун ҳаракат қилдилар.

2. БХСРдаги сиёсий жараёнлар ва ижтимоий муносабатлар анча мураккаб кечди. Асосан Ёш бухороликлардан ташкил топган халқ ҳукумати фаолиятига РСФСРнинг фавқулодда ва мухтор вакиллари, “Марказ”дан юборилган нуфузли комиссия, бюро ва кенгашларнинг аъзолари, маҳаллий коммунистлар (Бухоро Коммунистик партияси аъзолари), Туркистон фронтининг ҳарбий қўмондонлари ҳамда махсус бўлим ходимлари жиддий қаршилик кўрсатганлар. БХСР Халқ Нозирлар Шўроси ҳамда Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан мамлакатда ўтказилаётган кенг кўламли ислохотлар, иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ўзгаришларга совет давлати ва большевикларнинг раҳбарлари тўсқинлик қилиб, Бухорода советлаштириш ва руслаштириш ишларини жадаллаштириш томон йўналиш белгиланишини қатъий суратда талаб қилдилар.

3. Бухоро Халқ Совет Республикасида 1920–1924 йилларда янги ҳукумат иқтисодий ҳаётни жонлантириш, мамлакатда пул ислоҳоти ва нарх-навони назорат қилиш, солиқ, банк ва молия соҳаларида турли ислохотларни амалга ошириш вазифаларини уддалади. Мамлакатда амирлик даврида мавжуд бўлган кўплаб солиқ ва ўлпонлар бекор қилинди. Ҳатто 1920–1921 йилларда БХСР аҳолиси барча солиқ ва мажбуриятлардан озод этилди. Кейинчалик улар тўлаган солиқлар эса амирлик давридагига нисбатан бир неча марта кам бўлган. Бундан ташқари, деҳқонлар мамлакати бўлган БХСРда аграр соҳада туб ўзгаришлар амалга оширилди. Амир ва унинг қариндош-уруғлари, сарой аъёнлари ва йирик

мулкдорлар кўлидаги ер-мулк давлат фойдасига мусодара қилинди. Ери бўлмаган ёки кам миқдордаги ерга эгалик қилган камбағал деҳқонларга бу ерлар бўлиб берилди. Вақф мулкларининг даромади Маориф халқ нозирлиги ихтиёрига ўтказилди. Шунингдек, Бухорода янги саноат корхоналари қурилди ҳамда бу соҳада ўз даврига нисбатан олганда катта ишлар амалга оширилди.

4. Бухорода азалдан савдо-сотик ва ҳунармандчилик ривожланган, Бухоро тужжорлари қадимда ва илк ўрта асрлардан бошлаб Буюк ипак йўлида ўз сўзини айта оладига моҳир савдогарлар эди. Ёш бухороликларнинг кўпчилиги ҳам йирик савдогар ва сармоядорлар хонадонида туғилиб вояга етган эди. Мамлакатда ички ва ташқи савдо-сотик бу пайтда анча яхши ривожланди. БХСР нафақат совет республикалари ва кўшни давлатлар (Туркистон АССР, ХХСР, РСФСР, Озарбайжон, Афғонистон) билан, балки Германия, Англия, Италия, Финляндия, Япония каби ривожланган давлатлар ҳамда Туркия билан ташқи алоқалар ва муносабатларни ўрнатишга интиланган. Бу мамлакатлардан халқ хўжалиги эҳтиёжи ва аҳоли турмуши учун зарур бўлган турли асбоб-ускуналар, саноат ва тиббий жиҳозлар, дори-дармон ва бошқа товарлар олиб келинган. Ўз навбатида Бухородан қорақўл тери, гилам, ипак, заргарлик тақинчоқлари, ҳунармандлар ясаган турли моллар ва хом-ашё маҳсулотлари бу мамлакатларга экспорт қилинган. Бироқ РСФСР, 1923 йилдан бошлаб СССР раҳбарияти Бухорони хорижий мамлакатлар билан мустақил савдо ва иқтисодий алоқалар юритишига тўсқинлик қилиши натижасида БХСР 1923 йил охиридан бошлаб бу алоқаларни совет давлати воситачилигида олиб боришга мажбур бўлган.

5. Бухорода мазкур даврда турли сиёсат ва жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатган. БХСР Халқ Нозирлар Шўроси, Бухоро Марказий Инқилобий Кўмитаси, Бутунбухоро Марказий Ижроия Кўмитаси сингари энг юқори давлат ва ҳукумат идораларидан ташқари мамлакатда тузилган ўнта халқ нозирлигининг фаолияти ва аҳамияти катта бўлган. Халқ хўжалигининг турли соҳаларини мустақил равишда бошқариш учун БХСР ҳукумати таркибида ташкил қилинган маориф, молия, ички ишлар, ташқи ишлар, ҳарбий ишлар, деҳқончилик (ер-сув ишлари), иқтисодиёт, саноат ва савдо, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот, давлат назорати сингари халқ нозирликлари мамлакатда жуда катта ўзгаришлар ҳамда демократик ислохотларни амалга оширганлар. Бироқ Бухородаги бундай ўзгаришлар большевикларга ёқмаган. Москванинг қаттиқ таъйиқи ва босими натижасида 1923 йил июнда БХСР ҳукумати таркибидаги олти нафар халқ нозирлари ишдан олиниб, уларнинг ўрнини “ғоявий жиҳатдан ишончли”, бироқ давлат бошқарувида ҳеч қандай тажрибаси бўлмаган аравакаш, мардикор ёки косиблар эгаллаган. 1923–1924 йиллардан бошлаб Бухоро Коммунистик партияси ва Ёшлар ташкилотлари (комсомол) ўз фаолиятини кучайтирган.

6. БХСРда соғлиқни сақлаш, маориф ҳамда маданият соҳасида ҳам бу даврда катта ўзгаришлар қилинган. Мамлакат ҳудудида анъанавий эски мактаб ва мадрасалар билан бир қаторда замонавий таълим муассасалари: янги мактаблар, дорулмуаллимлар, турли ўқув юртлари ва курслари очилган. Бухоро давлат дорилфунуни ташкил этиш чоралари кўрилган. Бундан ташқари бухоролик, хоразмлик ва туркистонлик ёш йигит-қизлар Германия, Туркия ва ривожланган давлатларга ҳукумат маблағлари ҳисобидан таълим олиш учун жўнатилган.

Аёллар ҳам таълим ва маданият соҳасига кенг жалб қилинган. Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида турли ислохотлар ўтказилган. Бухорода бу пайтда мавжуд бўлган кўплаб эпидемик касалликларга қарши кураш ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида Туркистон АССР ва Москвадан тиббиёт ходимлари таклиф этилган, Германиядан тиббий ускуналар ҳамда дори-дармонлар сотиб олинган. Бухорода махсус Тропик касалликлар институти ташкил қилинган.

7. Бухорода қисқа муддатда бўлаётган бундай кўтаринкилик ва ислохотлар таъсирида аҳоли тобора кўпроқ ҳукумат сиёсатини қўллаб-қувватлаб борган. Бироқ, Марказ вакиллари бу ўзгаришлардан қониқмай мамлакатдаги демократик ислохотлар ўрнига социалистик ўзгаришларни тезроқ амалга ошириш, Бухорони советлаштириш ва руслаштириш сиёсатини юритган. 1923 йил августда БХСР Конституциясига жиддий ўзгаришлар киритилиб, мамлакатда большевикларнинг таъсири кучая борган. 1924 йил сентябрда Бухоро Халқ Совет Республикаси сунъий равишда Бухоро Совет Социалистик Республикасига айлантирилган. Ўрта Осиё республикаларида миллий-худудий чегараланиш сиёсати ўтказилиши натижасида 1924 йил ноябрь ойи охирида худди ХХСР сингари БХСР ҳам тугатилиб, унинг худуди янги ташкил қилинаётган Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР ва Тожикистон АССРга киритилган.

Тадқиқот якунида қўлга кирилган илмий хулосалар асосида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Бухоро Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар тўғрисидаги архив ҳужжатлари ва даврий матбуот материаллари асосида фундаментал монография яратиш.

2. БХСР миллий ҳукумати арбобларининг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий фаолиятига бағишланган халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларни Ўзбекистонда мунтазам равишда ўтказиб туриш.

3. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Бухоро тарихи” ва “БХСР тарихи” танлов фанлари самарадорлигини оширишда фойдаланиш.

4. “Бухоро Халқ Совет Республикаси тарихи (1920–1924 йй.)”га оид Ўзбекистонда ва хорижда яратилган тадқиқотларнинг расмий веб-сайтини яратиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02. 2020. Tar.72.07 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ДЖУНАЕВ ЗУХРИДДИН БОЛТАЕВИЧ**

**СОЦИАЛЬНЫЕ, ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И КУЛЬТУРНЫЕ ОТНОШЕНИЯ В  
БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКЕ  
(1920-1924 гг.)**

**07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ИСТОРИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Бухара–2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.4.PhD/Tar757.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (<http://www.buxdu.uz>) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Раджабов Кахрамон Кенжаевич  
доктор исторических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Хаитов Шадмон Ахмадович  
доктор исторических наук, профессор

Ерметов Аваз Абдуллаевич  
доктор исторических наук, профессор

**Ведущая организация:** Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней PhD 03/27.02.2020. Tar.72.07 в Бухарском государственном университете в 2022 году «8» 09 в 10<sup>00</sup> часов. (Адрес: г. Бухара, ул. Мухаммада Икбола, 11, Бухарский государственный университет, Информационно-ресурсный центр, 2-й этаж, конференц-зал. Тел.: (99865) 221-29-14; факс: (99865) 221-27-07; e-mail: [busu\\_rektor@edu.uz](mailto:busu_rektor@edu.uz), Бухарский государственный университет.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета. (зарегистрирован под № 411626 номером). (Адрес: 705018 г. Бухара, ул. Мухаммада Икбола, 11, Бухарский государственный университет, Информационно-ресурсный центр). Тел.: (99865)

Автореферат диссертации разослан "\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от "\_\_\_" \_\_\_\_\_ 2022 года).



**С.И.Иноятов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор исторических наук, профессор

**О.Р.Рашидов**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.и.н.(PhD).  
доцент

**Ш.А.Хаитов**  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней.  
доктор исторических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Интеграционные процессы и взаимное сотрудничество между странами мира в настоящее время вступают на новый этап. В частности, обретшие независимость страны Центральной Азии приобретают высокую репутацию и положение на международной арене. При этом формирование в этих странах национальной государственности, интеграция в мировое сообщество оказывает существенное влияние на их социальные, экономические и культурные отношения. В своих программах международные организации оказывают практическую помощь в определении пути самостоятельного развития в процессе формирования национальных государств, помогая им в проведении политических, социальных и экономических реформ.

В ряде крупных научных центрах и высших учебных заведениях мира изучаются политические изменения, происшедшие в Бухаре в первой четверти XX века, завоевание Бухарского эмирата военными силами советской России – Красной армией, приход к власти младобухарцев при помощи большевиков, движение за независимость против Красной армии, внутренняя и внешняя политика Бухарской Народной Советской Республики (БНСР), просуществовавшей в 1920–1924 годах, демократические реформы новой и молодой республики, колониальная политика Центра и советского государства против этих реформ, деятельность большевиков по советизации и русификации Бухары.

Широкомасштабные реформы и преобразования, осуществлённые в Узбекистане за годы независимости, в особенности за последние пять лет, заложили фундамент для определения пути самостоятельного развития общества. В частности, коренным образом изменилось отношение к истории узбекского народа и государственности, которая была возведена на уровень государственной политики. Сама жизнь диктует необходимость объективного и беспристрастного изучения важных политических событий в Туркестанском крае, в частности, в Бухарском эмирате в начале XX века, истории общественных, экономических и культурных отношений в стране, а также осуществления исследований в этом направлении.

Данное диссертационное исследование в определённой мере служит для выполнения задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» за № УП-60 от 28 января 2022 года<sup>1</sup>, закон Республики Узбекистан «О переписи населения» за №ЗРУ-611 от 16 марта 2020 года<sup>2</sup>, распоряжении Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по более глубокому изучению наследия и увековечению памяти жертв репрессий» за № 5598 от 8 октября 2020 года<sup>3</sup> и других нормативно-правовых актах в этой сфере

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в соответствии с

<sup>1</sup> Янги Ўзбекистон, №22. 1 февраля 2022 г.

<sup>2</sup> Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан. <https://lex.uz/docs/4766082?otherlang=1>

<sup>3</sup> “Халқ сўзи”, №212. 9 октября 2020 г.

приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовного и образовательного развития информатизированного общества и демократического государства”.

**Степень изученности темы.** История социальных, экономических и культурных отношений в Бухарской Народной Советской Республике до сих пор не изучалась в качестве отдельного объекта исследования. Лишь некоторые аспекты этой проблемы рассматривались в общей связи с другими вопросами. Анализ исторической литературы по данной теме показывает, что по методологическому подходу и научным особенностям их можно разделить на три основные группы: первая группа – исследования, созданные в советское время, вторая группа – работы, написанные после обретения Узбекистаном независимости и третья группа – зарубежные исследования.

Общая особенность работ первой группы состоит в том, что в них нарушались принципы объективности, превалировал классовый подход, что история писалась на основе заранее обозначенных коммунистической идеологией и застывших определённых форм, а первичные источники были поставлены на службу для достижения этих неблагоприятных целей. Однако, историки тоталитарного советского режима в своих трудах ввели в научный оборот огромное количество материала, и при создании современных исследований важное значение приобретает их переоценка и интерпретация на основе критического подхода.

В исследованиях Садриддина Айни, Файзуллы Ходжаева, П.П.Введенского и других<sup>4</sup>, созданных в 20-е годы XX века, нашли отражение джадидское движение в Бухаре, деятельность младобухарцев, свержение эмирского режима, первые социально-экономические преобразования в БНСР, денежное обращение в Восточной Бухаре. В частности, во многих статьях, опубликованных в этот период в центральных и местных журналах, освещались некоторые аспекты общественной жизни и реформ в БНСР (рынки, состояние банков, финансовая политика, торговля, государственный бюджет и план)<sup>5</sup>. Среди авторов этих статей были такие руководители БНСР, как Абдулқодир Мухитдинов, Файзулла Ходжаев, Абдурахим Юсуфзода, Кори Юлдаш Пулатов, П.Гайсинский.

В произведении местного историка Мухаммада Али Балджувани «Тарихи нофеи» («Полезная история»), написанном в 1923–1927 годах, нашло своё

---

<sup>4</sup> Айний С. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. –Москва: “СССР халқлари марказий нашриёти”, 1926; Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. –Ташкент: 1926; Он же. К истории революции в Бухаре и национального размежевания Средней Азии. –Ташкент: «Узбекгосиздат», 1932; Введенский П.П. Денежное обращение в Таджикистане. 1923-1925 гг. –Ташкент: «Восткагосиздат», 1926.

